# XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 30 - dekabr VI-47-30-2-0-K/21 Buxoro viloyati hokimligi

**Бухоро вилояти бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини ҳамда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 412,429 ва 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-6121-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 8 ноябрдаги 06/04-01-32/2248-сонли, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги 19/10-68220-сонли қўшма хатлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 06/04-01-32/2778-сонли хатларига асосан Бухоро вилояти бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиқларининг 2022 йил учун солиқ ставкаларини ва юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашни тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги 06/04-01-32/2248 ва 19/10-68220-сонли қўшма хатларига асосан 2022 йилда Солиқ кодексида Бухоро вилоятида юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлари базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ миқдори 29,0 млн.сўм ҳамда жисмоний шахсларга 1 кв.м учун базавий солиқ ставкасининг мутлақ миқдори 260,0 сўм белгиланиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 06/04-01-32/2778-сонли хатига асосан Солиқ кодексида юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда Бухоро вилояти туманларида кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун 1,0 млн.сўм минимал микдор белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят молия бош бошқармаси (Б.Адилов) ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармаси(М.Маматханов)нинг ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг келгуси йил учун белгиланган маҳаллий бюджет прогнозидан келиб чиқиб туманлар ва шаҳарлар бўйича 2022 йилда юридик ва жисмоний шахсларнинг базавий ер солиғи ставкаларининг мутлақ миқдорларига нисбаттан камайтирилувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш ҳамда туманлардаги юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал микдорга нисбаттан камайтирилувчи коэффициентларни

қўллаш бўйича таклифлари инобатга олинсин.

3. Шаҳарлар ва туманларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда Бухоро вилояти учун мутлақ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳарлар ва туманларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда Бухоро вилояти учун мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўланиладиган коэффициентлар миқдори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туманларнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, 2022 йилда вилоятда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал микдорга нисбаттан қўлланиладиган коэффициентлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳарлар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашлари маҳаллий бюджет прогнозларини инобатга олиб, 1 ва 2-иловага асосан қўлланиладиган коэффициентларга нисбатан тегишли ҳудудда жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

7.Шаҳарлар ва туманлар Халқ депутатлари Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, кўча кесимида юридик ва жисмоний шахслар учун 2022 йилда белгиланган ер солиқ ставкаларини жорий йилнинг 31 декабрига қадар худудлардаги солиқ органларига тақдим этилишини таъминласин.

8.Вилоят ҳокимлиги ушбу қарор билан маъқулланган Бухоро вилояти бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкалари ҳамда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал микдорлар бўйича маълумотларни “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

10. Ушбу қарор 2022 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси** **Б.Зарипов**

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-30-2-0-K/21-сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда Бухоро вилояти учун мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғинингбазавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар**

| Т.Р | Шаҳарлар ва туманлар номи | Юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун | |
|---|---|---|---|
| | | Коэффицент миқдори * | Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда) |
| 1 | Бухоро шаҳри | 1,36 | 39 307 000 |
| 2 | Қоровулбозор тумани | 1,02 | 29 580 000 |
| 3 | Когон шаҳри | 1,02 | 29 580 000 |
| 4 | Когон тумани | 1,02 | 29 580 000 |
| 5 | Қоракўл тумани | 1,02 | 29 580 000 |
| 6 | Ромитан тумани | 1,01 | 29 290 000 |
| 7 | Бухоро тумани | 1,01 | 29 290 000 |
| 8 | Ғиждувон тумани | 1,01 | 29 290 000 |
| 9 | Вобкент тумани | 1,01 | 29 290 000 |
| 10 | Олот тумани | 1,00 | 29 000 000 |
| 11 | Пешку тумани | 1,00 | 29 000 000 |
| 12 | Жондор тумани | 1,00 | 29 000 000 |
| 13 | Шофиркон тумани | 1,00 | 29 000 000 |

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-30-2-0-K/21-сон қарорига
2-илова

**Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда Бухоро вилояти учун мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўланиладиган коэффициентлар**

| Т.Р | Шаҳарлар ва туманлар номи | Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун | |
|---|---|---|---|
| | | Коэффицент миқдори * | Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда) |
| 1 | Бухоро шаҳри | 1,31 | 341,0 |
| 2 | Қоровулбозор тумани | 1,02 | 265,2 |
| 3 | Когон шаҳри | 1,02 | 265,2 |
| 4 | Когон тумани | 1,02 | 265,2 |
| 5 | Қоракўл тумани | 1,02 | 265,2 |
| 6 | Ромитан тумани | 1,01 | 262,6 |
| 7 | Бухоро тумани | 1,01 | 262,6 |
| 8 | Ғиждувон тумани | 1,01 | 262,6 |
| 9 | Вобкент тумани | 1,01 | 262,6 |
| 10 | Олот тумани | 1,00 | 260,0 |
| 11 | Пешку тумани | 1,00 | 260,0 |
| 12 | Жондор тумани | 1,00 | 260,0 |
| 13 | Шофиркон тумани | 1,00 | 260,0 |

Халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-47-30-2-0-K/21-сон қарорига
3-илова

**Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга**
**1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбаттан қўлланиладиган коэффициентлар**

| Т.Р | Туманлар номи | 2022 йилда мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдор | |
|---|---|---|---|
| | | Коэффицент миқдори * | Сумма (сўмда) |
| 1 | Қоровулбозор тумани | 0,90 | 900 000,0 |
| 2 | Когон тумани | 0,90 | 900 000,0 |
| 3 | Олот тумани | 0,90 | 900 000,0 |
| 4 | Ромитан тумани | 0,90 | 900 000,0 |
| 5 | Бухоро тумани | 0,90 | 900 000,0 |
| 6 | Қоракўл тумани | 0,80 | 800 000,0 |
| 7 | Ғиждувон тумани | 0,80 | 800 000,0 |
| 8 | Шофиркон тумани | 0,80 | 800 000,0 |
| 9 | Вобкент тумани | 0,70 | 700 000,0 |
| 10 | Пешку тумани | 0,70 | 700 000,0 |
| 11 | Жондор тумани | 0,70 | 700 000,0 |